

«11» апрел 2022 йил

Фаргона тумани.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ўз низомига асосан фаолият юритувчи **Фаргона туман 1-сон касб-хунар мактаби** номидан директор Э.Кутбиддинов (келгусида «БУЮРТМАЧИ» деб аталади) биринчи томон ва иккинчи томон «**ZARXAL QURILISH MONTAJ 777**» **Хусусий корхонаси** номидан раҳбар И.Турсунов (кейинги ўринларда «ПУДРАТЧИ» деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

1. ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ:

1.1 «ПУДРАТЧИ» ўз кучи, асбоблари, механизмлари билан «БУЮРТМАЧИ» Фаргона тумани 1-сон касб-хунар мактаби биносини шартномага илова қилинувчи лойиха сметага мувофиқ такдим этилган оферта хужжатларига асосан биносини жорий таъмирлаш ишларини амалдаги техник шартларга риоя қилган ҳолда биносини жорий таъмирлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2 «ПУДРАТЧИ» тегишли лойиха-смета хужжатларига мос ҳолда «БУЮРТМАЧИ» томонидан жорий таъмирлаш ишларини келишилган вақтда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлиқ тайёр ҳолда ўз муддатида «БУЮРТМАЧИ»га топширишни ўз зиммасига олади.

1.3 «ПУДРАТЧИ» иш бажариш вақтида жорий таъмирлаш ишлари учун кетадиган қурилиш материаллари ва ишчи кучини ўз ҳисобидан ўзи таъминлайди.

1.4 «ПУДРАТЧИ» жорий таъмирлаш ишларини 25 иш кунида тамомлаш мажбуриятини олади. «ПУДРАТЧИ» томонидан қилинган ишлар яқунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «БУЮРТМАЧИ» ўзининг шу таъмирлаш ишларига бириктирилган ходимлари билан биргаликда қабул қилиб олади ва қабул қилиш топшириш далолатномаси тузилади.

2. ШАРТНОМАНИ БАХОСИ

2.1

№	Иш хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	ҚҚС (15%)	Жами суммаси (ҚҚС билан)
1	Фаргона тумани 1-сон касб-хунар мактаби биносида жорий таъмирлаш	Хизмат	1	502 173 913	75326087	577 500 000
Жами:						577 500 000

Жами сумма суз билан: (Беш юзи етмиш етти миллион беш юз минг) сум.

2.2 Шартнома бахоси ўз ичига КМИ материаллар бахоси тафовути олади.

3.ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1 Ушбу шартнома бўйича «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» ҳисоб рақамига олдиндан 30% аванс тўловини ўтказиб беради.

3.2 Тулов шакли «ПУДРАТЧИ» томонидан Ф-2, Ф-3 хужжатларини тасдиқлангандан сўнг, қабул қилиш топшириш далолатномаси ва ҳисоб фактурага асосан «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ»нинг ҳисоб рақамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.

3.3 Шартнома бўйича охириги ҳисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан сунг 5 - кунидан кечиктирмай «БУЮРТМАЧИ» томонидан амалга оширилади.

4.МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1 «ПУДРАТЧИ» Ушбу шартномани 1-булимида назарда тутилган ишларни аванс тулови ўтказилгандан сунг 25 иш кунидан муддатда бажаради.

4.2 Ушбу шартнома 2022 йил « 11 » апрел дан 2022 йил « 31 » декабр гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, Ҳазначилик (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сунг хар иккиси ҳам қонуний қучга эга.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 «ПУДРАТЧИ».

- 5.1.1 Ўз қучи техника воситаси билан қалендар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тула ҳажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатда ишларни «БУЮРТМАЧИ» га меърий ҳужжатлар талабига ва қоидалар асосида тошириш;
- 5.1.2 Обектга лойихага биноан бўлган материалларини конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб.бериш ва уларни қабул қилиш тушириш тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш;
- 5.1.3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномани тузгани тўғрисида «БУЮРТМАЧИ» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.
- 5.1.4 Техника ҳавфсизлиги, ёнгин ҳавфсизлиги ва обектни қурилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни бажарилишини таъминлаш;
- 5.1.5 Обект сугуртасини амалга ошириш , агар назарда тутилган булса;
- 5.1.6 Бинони жорий таъмирлаш ишларида назорат органлари томонидан текширишда ортиқча қилинган ҳаражатлар аниқланса бу ҳаражатлар «ПУДРАТЧИ» томонидан тўланади.
- 5.2 «БУЮРТМАЧИ».
- 5.2.1 Қалендар иш режаси белгиланган ҳажмда ва муддатда ҳажмни топшириш;
- 5.2.2 У шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган микдорда ва муддатда «ПУДРАТЧИга ҳақ тўлаш;
- 5.2.3 «ПУДРАТЧИ» дан ёзма ҳабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1 Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бўлганлиги учун айбдор тараф бошка тарафга кечиктирилган хар бир кун учун шартнома баҳосининг 0,5 % ҳисобида пеня тўлайди, лекин шартноманинг 2,1 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.
- 6.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошка мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошка тарафга бой берилган фойдани қўшиб қурган зарарни қоплайди.
- 6.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш ҳуқуқий бартараф этишдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТ ЛАРИ

- 7.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши томонларнинг тасири ва истакларига боғлиқ булмаган вақтинча ёки узок вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга ҳалақит берадиган вазиятлар содир бўлганда (яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити ҳуқумат тадбирлари ҳокимият органлари қарорлари, харбий низолар ички тартибсизликлар) ва бошка ҳолларла юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафида шартнома мажбуриятлари бузулган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари бу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади .
- 7.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имқониятига эга бўлмаган томон дарҳол иккинчи томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага қелганлиги шунингдек бартараф этганлиги тўғрисида ҳабардор қилиши керак.
- 7.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида 1.5 кундан бўлган муддатда ҳабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди .

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 8.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан пайдо бўлган барча низолар ёки

келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

8.2 Агар келишмовчиликлар музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судида кўрилиши лозим булади.

9. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартнома хар қандай киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб хар иккала томон имзолаган холлардагина хакикий кучга эга бўлади.

9.2. «БУЮРТМАЧИ» куйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

9.2.1 «ПУДРАТЧИ» нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 10 кунга ошиб кетганда.

9.2.2 «ПУДРАТЧИ» нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойиха кўрсатилган ишларни сифати пасайганда.

9.3. «ПУДРАТЧИ» куйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

9.3.1 «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» га боғлик бўлмаган сабаблар бўйича бинони жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда:

9.3.2 «БУЮРТМАЧИ» томонидан лойиха хужжатларини ўзгартиришлар киритиш билан боғлик холда ишларни бахоси 50% кунига камайганда.

9.3.3 «БУЮРТМАЧИ» томонидан кейинчалик курилиш, молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.4. «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинади. «БУЮРТМАЧИ» эса «ПУДРАТЧИ» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар хажми қийматини тўлайди.

9.5. Шартнома бекор қилишга қарор қилган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. «ПУДРАТЧИ» амалдаги тартиб ва қоидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1 йил муддатга кафолат беради.

10.2. Хар иккала томон Ўзбекистон Республикаси конунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ:


Фаргона туман 1-сон касб-хунар мактаби
Адрес: Фаргона тумани Каптархона МФЙ Навоий №23. Тел./факс:
ШХР: 100010860302337092901079001
Бюджетдан маблаг олувчи СТИРИ: 200196946
ОКОНХ: _____
Газначилик номи: Фаргона тумани буйича газначилик булимаси
Газна х/в: 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ
МФО: 00014
Газначилик СТИРИ: 201122919
Рахбар: _____ Э.Кутбиддинов



ПУДРАТЧИ:

«ZARXAL QURILISH MONTAJ 777» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ
Адрес: Олтиарик тумани Навбахор кучаси
Тел./факс: +99899 913 29 86
Хисоб раками: 20208000905105320001
МФО: 01131
Банк: Универсал банки Фаргона филиали
ИНН: 306600349
Код по ОКОНХ: 41201

Рахбар: _____ И.Турсунов



Хуқуқий хулоса.

Мен ушбу шартномани хуқуқий экспертизадан ўтказдим. Мазкур шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ва хуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал этиши тартиби юқорида зикр этилган қонунчилик талабларига мос келади.

Хуқуқшунос:

(имзо)

(фамилияси исми)